

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА САНОАТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.06.2019.I.84.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАҲМУДОВ МИРАББОС ФАЗЛИДДИНОВИЧ

**ҲУДУДЛАРДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

(Қашқадарё вилояти мисолида)

08.00.12 – Минтақавий иқтисодиёт

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economic Sciences**

Махмудов Миrabбос Фазлиддинович

Ҳудудларда саноатни ривожлантиришда ишлаб чиқариш
салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўналишлари (Қашқадарё
вилояти мисолида)..... 3

Махмудов Миrabбос Фазлиддинович

Направления эффективного использования производственного
потенциала в развитии промышленности регионов (на примере
Кашкадарьинской области)..... 33

Mahmudov Mirabbos Fazliddinovich

Directions of effective use of production potential in the development of
industry in the regions (on the example of Kashkadarya region)..... 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 67

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА САНОАТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.06.2019.I.84.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАҲМУДОВ МИРАББОС ФАЗЛИДДИНОВИЧ

**ҲУДУДЛАРДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ
(Қашқадарё вилояти мисолида)**

08.00.12 – Минтақавий иқтисодиёт

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Iqt757 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ifmr.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Аҳмедов Дурбек Қудратуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Рузметов Бахтияр
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Сиддиқов Алишер Жўрақулович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.06.2019.I.84.01 рақамли илмий Кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр, 1-уй. Тел.: (99871) 237-26-32; (99871) 237-45-53, факс : (99871) 237-06-57, E-mail: info@ifmr.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр, 1-уй. Тел.: (99871) 237-26-32; (99871) 237-45-53, факс : (99871) 237-06-57, E-mail: info@ifmr.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.М. Аҳмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Д.М. Курбанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

Р.Р. Хасанов
Илмий даражалар берувчи илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобаллашув жараёни, йирик агломерациялар, ўсиш нуқталари ва махсус иқтисодий зоналар кўринишидаги янги минтақавий марказларнинг шаклланиши инвестициялар, юқори малакали ишчи кучи ва истиқболли инфратузилма лойиҳаларини жалб этишда рақобатнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Йирик минтақавий марказлар ҳиссасига жаҳон ЯИМнинг 75 фоизи, экспортнинг 58 фоизи, инвестицияларнинг 76 фоизи тўғри келмоқда¹. Бу, ўз навбатида, бошқа минтақалар ва мамлакатларни ҳам рақобатдошликни ошириш, хусусан, уларнинг иқтисодий, ишлаб чиқариш салоҳияти ҳамда қиёсий устунликларидан самарали фойдаланишга ундамоқда.

Ҳозирда жаҳоннинг етакчи мамлакатларида саноатни ривожлантиришда ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш жараёнини тадқиқ этишда ишлаб чиқариш салоҳиятида инновацион таркибий элементлар салмоғини ошириш, саноатнинг янги истиқболли тармоқларини устувор ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ҳудудлардаги иқтисодий ресурсларнинг нотекис тақсимланиш ҳолатлари ҳамда уларнинг салбий таъсирини камайтириш, ҳудудлараро иқтисодий муносабатларни оптималлаштириш, турли иқтисодий субъектларнинг ўзаро манфаатли фаолиятини йўлга қўйишда кластер тизимидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш салоҳиятидаги инновацион таркибий элементлар салмоғини ошириш, саноатнинг янги истиқболли тармоқларини устувор ривожлантириш, тармоқнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, оқилона фойдаланиш ҳамда уларни мақсадга мувофиқ тартибга солиш борасида муҳим илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар шароитида минтақавий иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш ҳамда ҳудудларнинг бой иқтисодий салоҳиятидан самарали ва оқилона фойдаланиш масалалари муҳим ўрин тутди. Бу борада “Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш” йўналишлари белгилаб берилди². Зеро, ҳудуд иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш, унинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш натижасида халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

¹ Назаров Ш.Х. Ўзбекистон минтақалари рақобатдошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Докт. дисс. автореф. Т.: 2016. - 5 б.

² “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами. www.lex.uz.

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4102-сонли “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4411-сонли “Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сонли “ Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Худудий иқтисодий муаммоларни илмий ўрганиш ва уларни бартараф этиш масалалари доимо иқтисодчи-олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Жумладан, мазкур масаланинг назарий ва амалий жиҳатлари, хусусан, худудий рақобатбардошликни ошириш масалаларига хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Венаблес, Х.Гленн, П.Кругман, Б.Роберт, М.Фужита, Б.Шаун, М.Энрайт ва бошқалар жуда катта ҳисса қўшганлар³.

МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан А.Г.Гранберг, Ю.А.Гаджиев, О.Г.Дмитриева, Н.Зубаревич, С.В.Казанцев, И.Н.Меренкова, А.Н.Носов, О.И.Пантелеева, Д.Сепик, Л.А.Серебрякова ва бошқалар худудий-иқтисодий ривожланишнинг назарий масалалари, худудий иқтисодий ўсиш ва ривожланишни бошқариш, минтақавий иқтисодиёт ривожланишини таххислаш, худудий иқтисодий салоҳият ва рақобатбардошликни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратганлар⁴.

³ Roberts B. National and regional corporate spatial structure / B. Roberts, A. Murray // The Annals of Regional Science. 2002. Vol. 36.; Fujita -M., Krugman P., Venables A.J. The Spatial Economy: Cities, Regions and International Trade. - The MIT Press, 2001. P. 384. Enright M. The Geographical Scope of Competitive Advantage // Stuck in the Region? Changing scales for regional identity / Ed. By E. Dirven, J. Groenewegen and S. van Hoof. Utrecht, 1993. P. 87102. B.Shaun and H. Glenn. Microregionalism and world order: concepts, approaches and implications. London: Palgrave Macmillan, 2003. P. 272.

⁴ Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. М.: ГУ ВШЭ, 2003. - 52 с.; Гаджиев Ю.А. Зарубежные новые теории регионального роста и развития //“Корпоративное управление и инновационное развития Севера”. Вестник Сыктывкарского государственного университета. 2008 №2; Дмитриева О.Г. Региональная экономическая диагностика. -СПб.: Изд-во СПб. Университета экономики и финансов, 1992.; Зубаревич Н. Региональное развитие и институты // Экспертный портал Высшей школы экономики “Открытая экономика” - ОРЕС.ру; Казанцев С.В. Потенциал экономики регионов России как основа их внутренней конкурентоспособности. // Регион, 2004, №1; Меренкова И.Н. Диагностика уровня развития сельских территорий // “Региональная экономика: теория и практика”, 2010, №24; Носов А.К. Управление взаимоотношениями в региональной кластерной структуре, связанной цепью поставок. // Логистика и управление цепями поставок, 2009, №6; Пантелеева А.П. Применение индикаторов устойчивого развития на

Ўзбекистонда ҳам ҳудудий иқтисодий ривожлантириш ва уни бошқариш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалалари иқтисодчи олимларнинг бу борадаги илмий қизиқишлари соҳаси бўлиб келмоқда. Жумладан, ҳудудий саноат мажмуаларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишини моделлаштириш, минтақаларни комплекс ривожлантириш, ишлаб чиқарувчи кучларни ҳудудий жойлаштириш ва бошқариш, мамлакат минтақалари рақобатдошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш сингари масалалар ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан С.С.Ғуломов, Т.М.Ахмедов, А.М.Содиқов, А.М.Қодиров, Ш.Ҳ.Назаров, Б.Рўзметов, Ш.Б.Имомов, П.З.Ҳашимов, Ф.Т.Эгамбердиев, А.А.Қаюмов, А.Ж.Сиддиқов, И.О.Якубов ва бошқаларнинг илмий изланишларида кенг ўрин олган⁵.

Бироқ юқорида қайд этилган илмий тадқиқотларнинг аксарияти бевосита минтақаларни умумижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш масалаларига бағишланган бўлиб, мазкур муаммо алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шунингдек, республикада олиб борилган тадқиқотларнинг аксариятида минтақаларни комплекс ривожлантириш масалаларига муҳим эътибор қаратилган. Ушбу диссертация ишида ўрганилаётган муаммога етарлича эътибор қаратилмаганлиги ва унинг мунозарали тавсифга эга эканлиги масалага янги илмий ёндашувни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф-1. “Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлаштиришнинг илмий-методик асослари ва усулларини такомиллаштириш” ҳамда Ф1-154. “Миллий иқтисодиёт таркибий ўзгаришининг ялпи ички маҳсулот ўсишига таъсирини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш” мавзуларидаги фундаментал (2017-2020 йй.) лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қашқадарё вилояти саноатини ривожлантиришда ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш

региональном и муниципальном уровнях // Региональная экономика: теория и практика, 2010. №22; Сепик Д. Индикаторы конкурентоспособности регионов: европейский подход // Регион: экономика и социология, 2005, №2; Серебрякова Л.А. Методы оценки уровня социально-экономического развития регионов // Вестник СевКавГТУ, серия “Экономика”, 2003, №3.

⁵ Гулямов С.С. Моделирование социально-экономического развития территориально-промышленных комплексов. -Т.: Фан, 1980. - 194 с.; Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика // Монография. Т.: IQTISOD - MOLIYA, 2005. - 280 с.; Рузметов Б. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ. Автореф. дис....докт. экон. наук. -Т.: 1998; Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. -Т.: ФАН, 1992; Имомов Ш.Б. Регулирование территориального развития экономики Узбекистана: Автореф. дис....докт. экон. наук. -Т.: 1998; Қаюмов А.А., Назарова Х.М., Эгамбердиев Ф.Т., Якубов Ў.Ш. Минтақавий иқтисодиёт. -Т.: Университет, 2004; Назаров Ш.Ҳ. Ўзбекистон минтақалари рақобатдошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. -Т.: 2016. - 5 б.; Сиддиқов А.Ж. Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида саноат ишлаб чиқаришнинг минтақавий муаммолари (Қашқадарё вилояти мисолида) кандидатлик диссертацияси автореферати. -Т., 2006; Якубов И.О. Минтақавий иқтисодиёт. -Т.: ТДИУ, 2016.

бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

худудларда саноатни ривожлантиришда ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишнинг назарий-услубий асосларини кўрсатиб бериш;

мамлакат саноатини ривожлантиришда Қашқадарё вилоятининг тутган ўрни, вилоятда саноат ишлаб чиқариш салоҳияти ва ундан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш;

Қашқадарё вилояти саноатини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш жиҳатидан такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш;

Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш борасида амалий тавсиялар тайёрлаш;

Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқариш ҳажмини прогнозлаш ва худудий саноат салоҳиятини баҳолаш имкониятларини такомиллаштириш доир амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилоятининг саноати олинган.

Тадқиқотнинг предмети Қашқадарё вилоятининг саноати, саноат ишлаб чиқариш тармоқлари, ишлаб чиқариш салоҳияти ва худудий ривожланиш хусусиятлари билан боғлиқ иқтисодий жараён ва муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий билишнинг диалектик, мантикий фикрлаш, илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, комплекс, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, SWOT таҳлил, эконометрик ва прогнозлаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё вилояти туманлари кесимида саноат маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг салоҳият даражаси қиёсий устунликни белгиловчи мезонлар бўйича табақалаштирилган истиқболли ишлаб чиқариш соҳалари аниқланган;

минтақа (вилоят) саноат ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг услубий ёндашуви ишлаб чиқариш омилларининг минтақа саноат салоҳиятига таъсирини баҳолаш асосида такомиллаштирилган;

минтақа (вилоят)да саноат маҳсулотларини қайта ишлашнинг кўп босқичли тизимида “иккиламчи ресурс ва истеъмолдан ҳосил бўлган саноат чиқиндиларини қайта ишлаш” босқичини йўлга қўйиш асосида етакчи тармоқларда қўшилган қиймат занжирини ҳосил қилиш таклифи ишлаб чиқилган;

Қашқадарё вилоятида саноат тармоқлари ривожланишининг прогностик, оптимизацион, лойиҳавий-инвестицион, дастурий босқичларини жорий этиш асосида 2019-2025 йилларга мўлжалланган прогноз вариантлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

вилоят саноати ривожланишининг ҳудудий муаммолари ва манбалари аниқланган ҳамда ҳудуднинг саноат тармоқлари ривожланиш тенденциялари баҳоланган;

ҳудуд саноатининг интенсив ўсиш суръатларига таъсир этувчи омиллар аниқланган ва саноат ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳудудий маҳсулотга таъсири баҳоланган;

вилоятда саноатни барқарор ривожлантириш имкониятлари баҳоланган ҳамда ҳудудий саноат ишлаб чиқаришни мутаносиб ривожлантириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда фойдаланилган ахборот базасининг ишончлилиги уларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг ишончлилиги, республика ва ҳудудий саноатни барқарор ривожлантириш бўйича қабул қилинган устувор йўналиш ва дастурларга мослиги ҳамда тегишли хулосаларни ҳудудий мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этишга қабул қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари, шунингдек, бошқа расман эълон қилинган амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ёритилган миқдорий усуллар ва илмий хулосалардан ҳудудий саноат тармоқларининг ривожланиш тенденциясини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ўзгаришларини баҳолаш, олинган натижалардан ҳудудий саноат тармоқларини узоқ муддатли ривожлантириш истиқболларини белгилаш ва бу борада муҳим қарорлар қабул қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса диссертацияда олинган таҳлилий маълумот ва таклифлардан Ўзбекистон республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги амалий фаолиятида фойдаланилганлиги, хусусан, амалиётга такдим этилган асосий хулоса ва прогноз натижалари асосида вилоят саноати ривожланишининг келгуси вариантларини ҳамда турли иқтисодий ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқиш имкониятларининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳудудларда саноатни ривожлантиришда ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўналишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қашқадарё вилояти туманлари кесимида саноат маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг салоҳият даражаси қиёсий устунликни белгиловчи мезонлар бўйича табақалаштирилган истиқболли ишлаб чиқариш соҳаларига оид таклифи Қашқадарё вилоятини 2019–2021 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 18 апрелдаги СС-4-0/20-920-сон ҳамда Қашқадарё

вилояти ҳокимлигининг 2019 йил 28 мартдаги 02/624-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Қашқадарё вилояти туманларининг саноат маҳсулотлари экспортини ривожлантиришдаги қиёсий устунликлари асосида истиқболли соҳалари аниқланиб, инвестицияларни киритишнинг манзиллилиги ва мақсадлилиги даражасининг ошиши ҳисобига саноат маҳсулотлари экспорт ҳажмининг 2019 йил 1 чорагида ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 107 фоизга ўсишига хизмат қилган;

минтақа (вилоят) саноат ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг услубий ёндашуви ишлаб чиқариш омилларининг минтақа саноат салоҳиятига таъсирини баҳолаш асосида такомиллаштирилганлиги бўйича таклифдан республикада ижтимоий-иқтисодий ривожланишда орқада бўлган туманларни аниқлаш ва уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 18 апрелдаги СС-4-0/20-920-сон ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг 2019 йил 28 мартдаги 02/624-сон маълумотномалари). Бунинг натижасида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши нисбатан паст бўлган туманларни аниқлаш ҳамда уларда саноат ишлаб чиқариши салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

минтақа (вилоят)да саноат маҳсулотларини қайта ишлашнинг кўп босқичли тизимига “иккиламчи ресурс ва истеъмолдан ҳосил бўлган саноат чиқиндиларини қайта ишлаш” босқичини йўлга қўйиш асосида етакчи тармоқларда қўшилган қиймат занжирини ҳосил қилиш борасидаги таклифдан Республикада ижтимоий-иқтисодий ривожланишда орқада бўлган туманларни баҳолаш ва аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 18 апрелдаги СС-4-0/20-920-сон ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг 2019 йил 28 мартдаги 02/624-сон маълумотномалари). Натижада, мамлакат минтақаларида иккиламчи ресурслардан қайта ишлашни самарадорлигини янада такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилган ҳамда илмий янгиликдан фойдаланиш асосида Қашқадарё вилояти иқтисодиётида қўшимча 5,8 млрд сўмлик ялпи ҳудудий маҳсулот яратилган;

Қашқадарё вилоятида саноат тармоқлари ривожланишининг прогностик, оптимизацион, лойиҳавий-инвестицион, дастурий босқичларини жорий этиш асосида 2019–2025 йилларга мўлжалланган прогноз вариантлари ишлаб чиқилганлик бўйича таклифдан Қашқадарё вилоятини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 18 апрелдаги СС-4-0/20-920-сон ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг 2019 йил 28 мартдаги 02/624-сон маълумотномалари). Бунинг натижасида вилоятни ўрта ва узоқ муддатда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда саноатни барқарор

ривожлантириш омиллари ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш мўлжалларининг аниқлиги ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 9 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, тадқиқотдан олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, илмий тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, мавзу доирасида чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Худудларда саноатни ривожлантиришда ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишнинг назарий-услубий асослари”** деб номланиб, унда саноатни худудий жойлаштиришнинг замонавий концепциялари, саноат ишлаб чиқариш салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш омиллари, худуд саноатида ишлаб чиқариш салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш шартлари ҳамда саноатини ривожлантиришда ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолаш ва прогнозлашнинг услубий асослари баён этилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда худудий иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган катор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017 йил январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **“Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”** Қарори қабул қилинган бўлса, шу йилнинг февралига келиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли фармони билан **“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”** қабул қилинди⁶.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли **“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”**ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами. www.lex.uz.

Ушбу стратегиянинг учинчи йўналиши 3.5 - бандида “Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш” масаласи кўзда тутилган бўлиб, бунда минтақалар саноатини барқарор ривожлантириш, янги саноат корхоналарини куриш, экспорт ва саноат салоҳиятини ошириш орқали ҳудудий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш каби қатор устувор вазифалар белгиланди.

Мазкур вазифалар билан бир қаторда, ҳудудларда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларини янада тўлароқ рўёбга чиқариш, ишлаб чиқаришни мақбуллаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни мустаҳкамлаш ҳамда маҳаллийлаштириш жараёнларини кенгайтириш ва мазкур соҳа имкониятларидан самарали, тўлиқ фойдаланиш, экспортга мўлжалланган рақобатбардош маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ҳудудлараро саноат кооперациясини ривожлантириш ва шу асосда моддий фаровонликни ошириш масалалари минтақавий иқтисодий сиёсатда муҳим аҳамият касб этмокда.

Ривожланаётган ва янги индустриал давлатлар тажрибасига кўра, мазкур давлатлардаги иқтисодий муваффақиятларнинг аксарияти саноатда, айниқса, қайта ишловчи саноатда чуқур тузилмавий ўзгаришлар билан изоҳланади⁷. Кўп сонли тадқиқотларда қайд этилишича, саноат тармоғининг ривожланиши иқтисодий ўсишни ҳаракатга келтирувчи асосий куч ҳисобланади ва аксарият тадқиқотлардаги мазкур фикр, айнан иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан саноатда инновация ва билимларнинг янги комбинациясидан фойдаланиш имкониятининг юқорилиги билан изоҳланади. Бу эса меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига сабаб бўлади, натижада иқтисодий ўсиш таъминланади⁸.

Бугунги кунда саноат бозордаги зарур мувозанатни таъминлаш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва аҳоли даромадларини ошириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш сингари муаммоларни самарали ҳал этиш имкониятини ҳам беради ҳамда мазкур тармоқ янги иш ўринларини яратишда муҳим ўрин тутди. Хусусан, қайта ишловчи саноатда битта иш ўрнининг яратилиши бошқа тармоқларда икки ёки учта иш ўрни яратилишига олиб келади⁹.

Диссертацияда “ишлаб чиқариш салоҳияти” тушунчасининг моҳиятини ёритиб беришга алоҳида эътибор қаратилган. Таҳлилларга кўра, “ишлаб

⁷ UNIDO. Industrial Development Report 2016. The Role of Technology and Innovation in Inclusive and Sustainable Industrial Development. Vienna, Austria. 2015. <http://www.unido.org>.

⁸ Lall S. (2000). Technological Change and Industrialization in the Asian Newly Industrializing Economies: Achievements and Challenges. In: Technology, Learning and Innovation: Experiences of Newly Industrializing Economies, eds. Kim, L. and Nelson, R.R., Cambridge: Cambridge University Press.; Szirmai, A., and Verspagen, B. (2011). Manufacturing and Economic Growth in Developing Countries, 1950-2005. UNU-MERIT Working Paper Series 2011-069. Maastricht, The Netherlands: United Nations University, Maastricht Economic and Social Research Institute on Innovation and Technology.

⁹ Lavopa A. and Szirmai A. (2012). Industrialization, Employment and Poverty, UNU-MERIT Working Paper Series 2012-081. Maastricht The Netherlands: United Nations University, Maastricht Economic and Social Research Institute on Innovation and Technology.


чиқариш салоҳияти” тушунчасининг ягона умумқабул қилинган таърифи мавжуд эмас. Шу сабабли мазкур тушунчага нисбатан турли олимларнинг фикрини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир (1-жадвал).

1-жадвал

“Ишлаб чиқариш салоҳияти” тушунчасига нисбатан берилган турли таъриф ва мулоҳазалар¹⁰

Муаллифлар	Берилган таърифлар
С.Муравский	Ишлаб чиқариш салоҳияти – мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, у кўзда тутилган ижтимоий-иқтисодий самарадорлик даражасида ресурс салоҳияти (статик унсур), ишлаб чиқариш жараёни (динамик унсур) ва якуний маҳсулотни ўз ичига қамраб олади
В.Свободин	Ишлаб чиқариш салоҳияти – ялпи ташкиллаштирилган ва технологик мувозанатлашган ресурслар бўлиб, у ишлаб чиқариш қобилиятини намоён этади
Ю.Василенко, Г.Данчук, В.Тяпкин	Ишлаб чиқариш салоҳияти - бу мувофиқлаштирилган ва мутаносиб табиий ва иқтисодий ресурслар бўлиб, у зарур маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат
Д.Эпштейн	Ишлаб чиқариш салоҳияти – белгиланган муддатда белгиланган ҳажмдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти. Маълум маънода бу ишлаб чиқариш қувватларига яқин бўлган тушунча.
А.Каган	Ишлаб чиқариш салоҳияти – объектнинг режалаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти бўлиб, бу муайян ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражасида амалга оширилади

Ишлаб чиқариш салоҳиятини янада аниқроқ тушуниш учун уни ташкил этувчи элементлар нималардан иборат эканлигини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Қуйида ишлаб чиқариш салоҳиятининг таркибий тузилиши ўз ифодасини топган (1-расм).



1-расм. Ишлаб чиқариш салоҳиятининг тузилиши¹¹

¹⁰ Винничек Л.Б., Колобов А.А. - производственный потенциал: теория вопроса. // Региональная экономика: теория и практика. 7 (190) - 2011. 43 - с.

¹¹ Управление экономическим потенциалом организации: учебное пособие. / А.П.Романов, Г.Г.Серебренников, В.М.Безутлая, О.В.Кириллина, М.К.Чарыкова. -Тамбов: Изд-во ФГБОУ ВПО «ТГТУ», 2012. - 27 с.

Ишлаб чиқариш салоҳияти тушунчасига берилган таърифлар ҳамда унинг таркиби таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда унга қуйидаги муаллифлик таърифи берилди: ишлаб чиқариш салоҳияти – табиий ва иқтисодий ресурслар ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланган ҳолда белгиланган муддатда белгиланган ҳажмдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти. Худуднинг ишлаб чиқариш салоҳияти табиий ва меҳнат ресурслари, асосий капитал ва фан-техника тараққиётининг ўзаро таъсири жараёнида шаклланади ва бу борада асосий фондлар муҳим аҳамият касб этади.

“Саноат ишлаб чиқариш салоҳияти” иқтисодий категория сифатида мураккаб тушунча бўлганлиги боис, уни ташкил этувчилари ҳам кўплаб элементлардан иборат бўлади. Жумладан, А.О.Ларионов тадқиқотларида саноат салоҳияти материал-техник, молиявий, меҳнат, инфратузулмавий ва инвестицион салоҳият кўрсаткичлари билан тавсифланади. Ушбу кўрсаткичлар кетма-кетлигига тадқиқотларимиз натижасида инновацион кўрсаткичларни ҳам қўшиш мақсадга мувофиқ (2-жадвал).

2-жадвал

Худуднинг саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини тавсифловчи инновацион кўрсаткич¹²

Кўрсаткичлар	Ў/б	Саноат салоҳиятининг параметрлари
1. Инновацион салоҳият		
Инновацион фаол корхоналар улуши	%	Саноат корхоналарининг инновацион маҳсулотни жорий этиш имкониятлари
Саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида инновацион маҳсулотнинг улуши	%	Саноатнинг инновацион ривожланиш даражаси
Саноатга умумий инвестициялар ҳажмидан технологик инновацияларга харажатлар улуши	%	Саноатнинг устувор технологик ривожланиш даражаси
Саноатга банд бўлган минг кишига тўғри келадиган тадқиқотлар ва лойиҳалашларга банд бўлган ходимлар сони	киши	Саноатда илмий-инновацион соҳанинг самарадорлик даражаси

Бу кўрсаткичлар саноат салоҳиятини инновацион элементлар орқали ривожлантириш даражасини белгилаб беради. Ҳисоб-китоблар натижасида худуднинг стратегик рақобат афзалликлари ва қиёсий устунликлари баҳоланганда 25-36 балл оралиғида бўлса, унда ушбу худуднинг қиёсий устунлиги юқори даражада, 13-24 балл оралиғида ўртача ва 1-12 балл оралиғида паст ҳисобланади.

¹² Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Юқоридаги назарий таҳлиллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, саноат салоҳияти ҳудуднинг хомашё манбаси ва барча фойдаланиш мумкин бўлган ресурсларни ишлаб чиқара олиш қобилияти ва имкониятлари даражасини кўрсатиб беради.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати”** деб номланиб, унда мамлакат саноатини барқарор ривожлантиришда Қашқадарё вилоятининг тутган ўрни, Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқариш салоҳиятининг тармоқ ва ҳудудлар бўйича таркиби ва ундан самарали фойдаланиш омиллари ҳамда иқтисодий модернизациялашнинг саноат ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсири тадқиқ этилган.

Бугунги кунда республикамиз саноатини ривожлантиришда маҳаллий хом-ашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш имкониятига эга Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятидан самарали фойдаланиш долзарб иқтисодий аҳамият касб этади.

Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотининг ўсиш суръати республика кўрсаткичига нисбатан анча юқори бўлган вариацияланиш характериға эға, жумладан, вилоятда саноат маҳсулотининг энг юқори ўсиш суръати 2008 йилға (118,9 фоиз) тўғри келган бўлса, энг қуйи ўсиш суръати 2010 йилға (96,8 фоиз) тўғри келади. Қатор йиллар давомида вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг мутлақ ўсиш тенденцияси кузатилади.

Қашқадарё вилояти саноат ишлаб чиқаришининг тармоқ ва ҳудудий таркибини таҳлил қилиш натижалари унинг бир ёқлама хусусиятға эға эканлигидан далолат беради. Агар саноатнинг тармоқ таркибида тоғ-кон саноати, озиқ-овқат, тўқимачилик ва кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш устувор ўринға эға бўлиб, уларнинг ялпи саноат маҳсулотидаги биргаликдаги улуши 2018 йилда 80 фоиздан кўпроқни ташкил этган бўлса, унинг ҳудудий таркибида учта ҳудуд – Муборак ва Ғузор туманлари ҳамда Қарши шаҳри салмоқли улушға эға (уларнинг биргаликдаги улуши 62,3 фоизға тенг).

Агар Қашқадарё вилояти саноат ишлаб чиқаришни туманлар кесимида таҳлил қилинса, унинг турли суръатларда ривожланганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Хусусан, вилоятнинг энг йирик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи туманлари – Муборак ва Ғузор туманлари ҳамда Қарши шаҳрида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 2010-2018 йилларда вилоят кўрсаткичига нисбатан паст суръатларда ўсган. Агар 2010 йилға нисбатан 2018 йилда вилоят саноат маҳсулоти жорий нархларда 3,1 мартаға ўсган бўлса, Муборакда 1,8 марта, Қарши шаҳрида 2,3 марта ва Ғузор туманида 2,85 марта ўсган. Бошқа барча туманларда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши вилоят кўрсаткичидан юқори бўлган. Айниқса, Нишон (29,5 марта), Деҳқонобод (15,5 марта), Қарши (13,7 марта) ва Китоб (12,5 марта) туманларида саноат ишлаб чиқариши юқори суръатларда ўсган.

Бундай ўзгаришлар натижасида Қашқадарё саноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий таркибида сезиларли ўзгаришлар юз берди (3-жадвал).

**Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда Қашқадарё вилояти
туман ва шаҳарларининг улуши (фоизда)¹³**

	2010	2015	2016	2017	2018	2018 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши, “+”, “-”	
						%	(ф.п.)
Қарши ш.	14,4	17,9	18,9	14,1	12,1	-2,3	-0,16
Ғузур	22,4	22,7	23,5	21,9	20,8	-1,6	-0,07
Дехқонобод	0,6	1,9	1,5	1,9	2,8	+2,2	3,67
Қамаши	1,1	1,6	1,8	2,3	2,2	+1,1	1,00
Қарши	1,1	1,7	1,8	2,7	5,0	+3,9	3,55
Косон	2,1	3,8	4,1	4,1	4,2	+2,1	1,00
Китоб	0,5	1,4	1,6	1,8	1,8	+1,3	2,60
Миришкор	0,9	1,3	1,3	1,3	1,1	+0,2	0,22
Муборак	51,2	32,3	28,6	29,8	29,4	-21,8	-0,43
Нишон	1,0	5,2	5,9	9,7	10,0	+9	9,00
Қасби	1,0	1,3	1,4	1,7	2,1	+1,1	1,10
Чироқчи	0,6	1,6	1,7	1,7	1,7	+1,1	1,83
Шаҳрисабз	2,3	5,6	6,2	2,7	2,2	-0,1	-0,04
Яккабоғ	0,8	1,6	1,7	1,9	2,0	+1,2	1,50
Шаҳрисабз ш.	0,0	0,0	0,0	2,2	2,5	-	-
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	-	-

Жадвал маълумотлари далолат берадики, 2010-2018 йилларда Муборак туманининг вилоят ялпи саноатидаги улуши 51,2 фоиздан 29,4 фоизгача, Ғузур туманининг улуши 22,4 фоиздан 20,8 фоизгача, Қарши шаҳрининг улуши 14,4 фоиздан 12,1 фоизгача пасайган. Айни вақтда Нишон туманининг вилоят ялпи саноат маҳсулотидаги улуши 1 фоиздан 10 фоизгача, Қарши туманининг улуши 1,1 фоиздан 5 фоизгача, Дехқонобод туманининг улуши 0,6 фоиздан 2,8 фоизгача, Китоб туманининг улуши 0,5 фоиздан 1,8 фоизгача ўсган. Сўнгги йилларда бирмунча қисқарган бўлса-да, Қашқадарё вилояти саноат ишлаб чиқаришида юқори даражада ҳудудий номуносивлик мавжуд. Хусусан, 2010 йилда 3 та (Муборак тумани, Ғузур тумани ва Қарши шаҳри) ҳудуднинг ялпи саноат маҳсулотидаги улуши 88,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб, мазкур учта ҳудуднинг вилоят умумий саноатидаги улуши 62,3 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда вилоят саноат тузилмасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тармоқлар орасидаги муносивликни белгилаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, илғор технологияларни жорий этиш, аҳолининг шахсий ва ижтимоий истеъмолини ўрганиш орқали

¹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда тармоқларда хом-ашё ва ресурслардан самарали фойдаланиш масалаларига асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ.

Қашқадарё вилояти саноат ишлаб чиқариш салоҳиятининг муҳим таркибий қисмларидан бири ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик салоҳияти ҳисобланади. Ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг техник салоҳиятини ифода этувчи муҳим кўрсаткичлардан бири асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш кўрсаткичлари ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар орасида асосий фондларнинг эскириш ва янгиланиш коэффициентлари муҳим аҳамият касб этади.

Қашқадарё вилояти умумий саноати таркибидаги тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашда 2017 йилда (йил охирига нисбатан 43,4 фоиз), ишлаб чиқарадиган саноатда 2018 йилда (йил охирига нисбатан 37,9 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда 2015 йилда (йил охирига нисбатан 43,7 фоиз) ҳамда сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш тармоғида 2018 йилда (йил охирига нисбатан 35,3 фоиз) асосий фондларнинг эскириш даражаси энг юқори кўрсаткичларни ташкил этди (4-жадвал).

Ҳозирги кунда Қашқадарё вилояти умумий саноати таркибида ишлаб чиқариш саноати асосий фондларининг эскириш даражаси энг юқори бўлиб, у 2018 йил охирида 37,9 фоизни ташкил этди. Қашқадарё вилояти қайта ишловчи саноати тармоқларида асосий фондларнинг эскириш даражаси таҳлилига кўра, 2018 йил охирида тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришда асосий фондларнинг эскириш даражаси 82,0 фоиз, кокс ва нефтни қайта ишлашда – 65,6 фоиз ҳамда автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқаришда – 57,1 фоизни ташкил этади.

Қайд этиш лозимки, саноатнинг юқори технологияларга асосланган тармоқларида ҳам эскириш даражасининг юқорилиги кузатилади. Масалан, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш тармоғида асосий фондларнинг эскириш даражаси 2018 йилда 33,6 фоизни ташкил этган бўлса, компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш тармоғида мазкур кўрсаткич 40,8 фоизга тенг бўлган. Айни вақтда, қайта ишловчи саноат тармоғининг ўрта технологияли тармоқларида асосий фондларнинг эскириш даражаси бошқа тармоқларга нисбатан анча юқори.

Қашқадарё вилояти умумий саноатида ёқилғи саноати тармоқларининг улуши юқори бўлиб, бу ҳолат вилоятнинг иқтисодий ўсиш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли вилоятда қайта ишлаш саноати ва юқори технологияли ишлаб чиқариш турларини ривожлантириш ва жойлаштиришда тадбиркорлик ташаббускорлигини янада жонлантириш мақсадга мувофиқ.

4-жадвал

Қашқадарё вилояти қайта ишловчи саноати тармоқларида асосий фондларнинг эскириш ва янгиланиш коэффициентлари (йил охирига нисбатан фоизда)¹⁴

Кўрсаткичлар	2015 й.		2016 й.		2017 й.		2018 й.	
	ЭК	ЯК	ЭК	ЯК	ЭК	ЯК	ЭК	ЯК
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	29,6	23,9	31,2	16,4	32,1	15,2	32,3	19,0
Ичимликлар ишлаб чиқариш	51,8	7,7	53,8	11,8	54,1	11,8	55,8	19,8
Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	77,9	3,5	77,4	8,1	79,8	4,4	82,0	3,3
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	26,7	10,4	27,2	12,0	30,6	10,2	31,3	15,1
Кийим ишлаб чиқариш	27,7	19,2	29,3	17,3	26,2	27,4	19,3	31,2
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	23,5	22,0	25,5	18,5	27,9	19,1	27,0	30,1
Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	22,1	25,6	25,7	22,1	29,2	19,6	18,9	47,2
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	27,5	10,9	27,1	18,9	30,0	13,1	31,7	16,6
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	43,5	13,5	44,1	16,9	46,7	15,4	48,2	10,5
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	52,9	7,0	60,3	1,6	60,4	2,1	65,6	1,6
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	42,2	12,3	40,0	17,7	15,0	68,7	23,7	2,8
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	31,3	25,5	26,9	25,6	29,1	19,3	33,6	17,4
Резина ва пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш	32,5	17,1	32,2	16,9	32,0	19,4	31,4	21,0
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	37,5	16,3	36,5	16,1	35,8	14,1	38,6	16,4
Мебель ишлаб чиқариш	30,6	31,1	34,1	16,2	30,9	23,7	27,6	29,7
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	28,0	18,3	21,8	23,0	24,3	18,8	24,4	23,8
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	41,4	8,3	32,2	12,9	40,5	18,2	48,9	13,3
Шартли белгилар:	ЭК – эскириш коэффициенти; ЯК – янгиланиш коэффициенти							

Маълумки, қайта ишловчи саноат тармоқларининг ривожланиш суръати худуддаги иқтисодий ўсиш суръатини белгилаб беради¹⁵. Бу ерда асосий эътибор техника тараққиётига қаратилади ва уни таъминлашда ишлаб чиқариш асосий фондларини мунтазам равишда янгилаб бориш жуда муҳим ўрин тутди. Мазкур жараённи ифода этувчи муҳим кўрсаткичлардан бири асосий фондларнинг янгиланиш коэффициенти ҳисобланади.


¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁵ V.Mangain (1999). Are the Kaldor - Verdoorn Laws Applicable in the Newly Industrializing Countries? Review of Development Economics, 3(3), 295 - 309.

Қашқадарё вилояти қайта ишловчи саноат тармоқларида асосий фондларнинг янгиланиш коэффиценти ўзаро сезиларлича фарқ қилади. Хусусан, асосий фондларнинг янгиланиш коэффиценти ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқаришда (йил охирига нисбатан 47,2 фоиз), кийим (йил охирига нисбатан 31,2 фоиз) ҳамда тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда (йил охирига нисбатан 30,1 фоиз) энг юқори бўлган бўлса, кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари (йил охирига нисбатан 1,6 фоиз), кимё маҳсулотлари (йил охирига нисбатан 2,8 фоиз), тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришда (йил охирига нисбатан 3,3 фоиз) энг паст кўрсаткичларга эга бўлган.

Қайта ишловчи саноатнинг юқори технологик тармоқларига кирувчи компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш тармоғида мазкур кўрсаткич 16,9 фоиз, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш тармоғида 17,4 фоиз ҳамда электр ускуналар ишлаб чиқариш тармоғида эса 27,0 фоизни ташкил этган.

Диссертациянинг учинчи боби “Қашқадарё вилояти саноатида ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари” деб номланиб, унда Қашқадарё вилояти саноатини ривожлантириш стратегиясида ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари, вилоятда саноат ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқариш ҳажмини прогнозлаш ва ҳудудий саноат салоҳиятини баҳолаш масалалари ёритилган.




2-расм. Ўсиш нуқталарини аниқлаш услуги¹⁶

¹⁶ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Қашқадарё вилояти саноатига хос салоҳият ва қиёсий устунликни баҳолаш, ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, истиқболли ривожланиш манбаларини ҳисобга олган ҳолда вилоят ҳудудлари бўйича “саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш нуқталари” аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ (2-расм).

Вилоятда “саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш нуқталари”ни аниқлаш услубиёти қуйидагича амалга оширилади. Вилоятда **саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш нуқталари** ҳудуд саноатига хос салоҳият ва қиёсий устунликни баҳолаш, ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, истиқболли ривожланиш манбаларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаб чиқилади ва мазкур услубиёт олти босқичда амалга оширилади.

Мазкур услубиёт бўйича ҳудудлардаги ўрта ва узоқ муддатли истиқболда саноатнинг муайян тармоқларини ривожлантириш борасида салоҳият ва имкониятлар мавжудлиги аниқланади (3-расм).



Шартли белгилар:

- кластер асосида ишлаб чиқариш;
- йирик ишлаб чиқариш мажмуалари;
- ▲ ўрта ҳажмда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
- ◆ кичик ҳажмда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш

3-расм. Қашқадарё вилоятида “саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш нуқталари”ни аниқлаш услубиёти асосида ишлаб чиқариш субъектларининг жойлашуви¹⁷

¹⁷ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Вилоятнинг саноат стратегияси юқори технологияларга асосланган ва саноат кластерлари шаклида ташкил этиладиган таянч ўсиш нуқталари, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишловчи ҳудудий саноат ишлаб чиқаришини, ҳудудларда ташкил этиладиган кичик саноат зоналари, уларга хизмат қилувчи касаначилик ва хунармандчилик асосида ташкил этиладиган саноат ишлаб чиқариш субъектларини ўз ичига олади.

Қашқадарё вилояти саноатини ривожлантиришда қуйидаги ички мавжуд қиёсий устунликларни келтириб ўтиш мумкин:

- вилоятда замонавий технологиялар асосида чуқур қайта ишлаш мумкин бўлган, сифати билан ажралиб турувчи, мева ва сабзавотлар, гўшт ва сут маҳсулотлари етиштиришда йирик табиий иқтисодий ресурслар мавжудлиги;
- енгил саноатни ривожлантиришда ҳудудий қиёсий устунлик ва хом-ашё базаси (Қамаши, Миршкор, Чироқчи, Косон туманларида юқори сифатли ингичка пахта толасининг етиштирилиши, Китоб, Шаҳрисабз туманларининг ипакчилик бўйича бой тажрибаси, Чироқчи, Дехқонобод, ҳамда Яккабоғ туманларида жун ва теридан тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришда зарур қимматли хом-ашё) мавжудлиги;
- Қарши, Китоб, Шаҳрисабз, Нишон туманларида мебель ишлаб чиқариш бўйича тажриба ва анъаналарнинг шаклланганлиги.

5-жадвал

Қашқадарё вилояти экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун истиқболли ишлаб чиқариш соҳаларининг ҳудудий таркиби¹⁸

Ҳудудлар	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш	Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш	Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш	Пахта ва ипакни қайта ишлаш	Терини қайта ишлаш	Мебел ишлаб чиқариш	Қоғоз ва коргон маҳсулотлари ишлаб чиқариш	Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш
Қарши ш.		●		●		■	●	●
Шаҳрисабз ш.		●		●		●	●	●
Ғузор	■	●			●			
Дехқонобод		■	●		●			
Қамаши	●	●		■				■
Қарши т.	■	■		●	■	●	■	
Косон	■			●				●
Китоб	●	●	●	●	●	●		
Миришкор					■			■
Муборак	■				●			
Нишон		■		●		●		
Касби		■		■		■		■
Чироқчи					●			●
Шаҳрисабз т.	●	●	●	●	■	●	■	●
Яккабоғ	●		●	■	■	■	■	●
Шартли белгилар:	● - юқори салоҳиятли, ■ - ўрта салоҳиятли							

¹⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Юқорида келтириб ўтилган қиёсий устунликлар, чекловчи омиллар ва ҳудудларни ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришнинг бошқа манбалари Қашқадарё вилояти саноатининг стратегик йўналишларини белгилаб олишга асос бўла олади. Аниқланган қиёсий устунликлар билан бир қаторда вилоятда экспорт салоҳиятини кенгайтириш имкониятлари ҳам мавжуд (5-жадвал).

Шунинг учун мазкур ҳудудларда қайта ишловчи саноат тармоқларини ривожлантириш, вилоят ҳудудларида уларни самарали жойлаштириш ҳамда мавжуд минерал – хом-ашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашнинг 4 босқичли тизимини йўлга қўйиш тавсия этилади: **биринчи босқич:** хом ашёни дастлабки қайта ишлаш, уни ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлаш; **иккинчи босқич:** саноат асосида ишлаб чиқариш учун тайёр материалларга айлантириш; **учинчи босқич:** истеъмол учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш; **тўртинчи босқич:** иккиламчи ресурс ва истеъмолдан ҳосил бўлган саноат чиқиндиларини қайта ишлаш (4-расм).




4-расм. Вилоятда мавжуд минерал - хомашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш бўйича 4 босқичли тизим¹⁹

Вилоят ҳудудида саноат ишлаб чиқаришини мутаносиб ривожлантириш мақсадида туманларнинг минерал-хомашё ресурслари билан таъминланганлик даражаси, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларининг ривожланганлик даражаси, меҳнат ресурслари ҳамда асосий капиталнинг миқдори ва сифати каби устун омилларга қаратиш ҳамда вилоят озиқ-овқат саноати ҳамда фойдали қазилмаларни ишлаб чиқаришида туманлараро кўшилган қиймат занжирини яратиш мақсадга мувофиқдир (5-расм).

Олиб борилган таҳлиллар натижасида Қашқадарё вилоятида қайта ишловчи тармоқларнинг ривожланиши озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқлари ҳамда қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик соҳаларининг ривожланишига олиб келиши мумкинлиги аниқланди. Шунингдек, қайта ишловчи тармоқларнинг ривожланиши хизматлар соҳасининг тараққиётига ҳам кучли таъсир этади (банк, суғурта, алоқа хизматлари, савдо ва транспорт). Айниқса, хизмат кўрсатишнинг бир нечта тармоқлари қайта ишловчи саноатга бевосита боғлиқ бўлиб, жумладан, саноат товарларини истеъмолчиларга етказиш орқали мазкур фаолият тури

¹⁹Содиқов А. “Ўзбекистонда саноат ривожланишининг тенденция ва истикболлари. Саноат тармоқларининг инновацион ривожланиши: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциясидаги тақдимот материаллари (2013 йил 5 март) асосида муаллиф томонидан қўшимчалар киритилди.

рағбатлантирилади. Шунингдек, қайта ишловчи саноат илмий-тадқиқот, улгуржи ва чакана савдо, автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишига ҳам яхшигина таъсир этади.



5-расм. Вилоятда саноат ишлаб чиқариш турлари бўйича қўшилган қиймат занжирини яратишнинг намунавий схемаси²⁰

Қашқадарё вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати ва ҳудудий саноатнинг йиллик ўсиш суръати ўртасида ижобий корреляция мавжуд бўлиб, олинган натижаларга кўра, унинг қиймати 0,82 ни ташкил этади (6-расм).

Шунингдек, Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқариш ўсиш суръатининг 1 фоизга ортиши бошқа шароитлар ўзгармас бўлган тақдирда Қашқадарё вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти ўсиш суръатининг қўшимча 1.017 фоизга ўсишини таъминлаш имконини беради.

Амалга оширилган эмпирик таҳлиллар Қашқадарё вилояти иқтисодиёти учун қуйидагича миқдорий муносабат ўринли эканлигини тасдиқлади:


$$\ln p_{nm} = 0.04 + 0.69 \ln(g_m), R^2 = 0.53, F = 17.02 \quad (2)$$

(0.66) (4.12)

Бу миқдорий муносабат тасдиқлайдики, қайта ишловчи саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръати ва ноқайта ишловчи тармоқларда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўртасида чизиқли боғланиш мавжуд эмас. Олинган натижаларга кўра, детерминация коэффиценти (R^2) ва Фишернинг

²⁰ Содиқов А., Назаров Ш Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси. Монография (Тошкент-2013) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ҳисобланган қийматлари (F) нисбатан паст кўрсаткичларни ташкил этади. Бироқ, $\alpha = 0.05$ эҳтимоллик билан Фишер ва Стьюдентнинг жадвал қийматлари мос равишда 4.54 ва 2.13 кўрсаткичларни ташкил этганлиги боис, мазкур модел учун H_0 гипотеза рад этилади.



6-расм. Қашқадарё вилоятида саноат ялпи қўшилган қийматининг ўсиш суръати ва ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати ўртасидаги ўзаро корреляция²¹

